

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“БАНК ИШИ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР”  
КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК:

САИДОВА ШАХНОЗА ЗАЙНИДИНОВНА

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН БАНК  
ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

70410501– Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:  
И.ф.д., доц. Р.Юлдашев

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Банк иши ва инвестициялар”  
кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

\_\_\_\_\_ -сонли баённома “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2023 й.

Кафедра мудири: Р.Тожиев



ИМЗО

\_\_\_\_\_ сана


Илмий раҳбар: Р.Юлдашев



ИМЗО

\_\_\_\_\_ сана

Талаба: Ш.Саидова



ИМЗО

\_\_\_\_\_ сана

Диссертация Корпоратив бошқарув факультетида 2023 йил  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган.

Факультети декани Халиков У

\_\_\_\_\_ ИМЗО

\_\_\_\_\_ сана

## АННОТАЦИЯ

Ҳозирги шароитларда банк хизматлари доираси мунтазам кенгайиб бормоқда, бозорда банк маҳсулотлари ва хизматларининг янги турлари пайдо бўлмоқда. Ушбу омил кредит ташкилотлари ўртасида ҳар битта миждоз учун рақобат курашининг янада кучайишига олиб келмоқда. Банк хизматлари бозори доимо кредит ташкилотларининг ишига янги талаблар қўяди ва шу тариқа банкларни миждоз улардан манфаатдор бўлган янги операцияларни ўзлаштиришга мажбур қилади.

Миждозларнинг ишончини қозониш учун тижорат банклари уларга фақат анъанавий доирадаги хизматларни тақдим этиши етарли эмас. Улар миждозларга хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларини ўзгартириши, сервис имкониятларини кенгайтириши, комплексли банк сервисини тақдим этиши зарур. Банкнинг иш самарадорлиги ва унинг бозордаги рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан янги банк маҳсулотлари, технологиялари ёки жараёнларини жорий қилишга боғлиқ бўлади.

**Таянч сўз ва иборалар:** тижорат банклари, банк хизматлари, банк капитали, кредитлаш амалиётлари ва жараёнлари, қарор, тўловлар, реал фаолият таҳлили, миждоз, шартнома, истеъмол кредити.

## SUMMARY

Under current conditions, the range of banking services is regularly expanding, new types of banking products and services are emerging on the market. This factor leads to a further exacerbation of the competitive struggle between credit institutions for each client. The banking services market constantly makes new demands on the work of credit organizations and thus forces banks to master new operas in which the client is interested in them.

To gain the trust of customers, it is not enough for commercial banks to provide them with services only within the traditional framework. They need to change the forms and methods of customer service, expand service capabilities, provide integrated banking. The performance of a bank and its competitiveness in the market will largely depend on the introduction of new banking products, technologies or processes.

**Keywords and phrases:** commercial banks, banking services, bank capital, lending practices and processes, decision, payments, analysis of Real activity, client, contract, consumer credit.

## МУНДАРИЖА

Аннотация.....	3
Мундарижа.....	5
Келтирилган жадваллар рўйхати.....	7
Келтирилган расмлар рўйхати.....	9
Келтирилган қисқартмалар.....	10
<b>I БОБ. КИРИШ.....</b>	<b>11</b>
1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.....	12
1.2. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.....	13
1.3. Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари.....	14
1.4. Тадқиқотнинг объекти ва предмети.....	14
1.5. Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти.....	14
1.6. Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.....	15
<b>II БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....</b>	<b>17</b>
2.1. Кириш.....	17
2.2. Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шарҳи.....	18
2.3. Мавзуга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи.....	21
2.4. Хулоса.....	27
<b>III БОБ. МЕТОДОЛОГИЯ.....</b>	<b>28</b>
3.1. Тадқиқот дизайни.....	28
3.2. Маълумотларни тўплаш жараёни.....	28
3.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар.....	29
3.4. Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар.....	32
3.5. Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими.....	32
3.6. Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар.....	33
<b>IV БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.....</b>	<b>35</b>
4.1. Тижорат банкларида жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишнинг концептуал жиҳатлари.....	35
4.2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида жисмоний шахсларга истеъмол кредити масаласи таҳлили.....	40
4.3. Жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатишнинг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари.....	47
4.4. Ўзмиллийбанк томонидан жисмоний шахсларга кўрсатилаётган банк хизматлари таҳлили.....	58

4.5. Ўзбекистон тижорат банкларининг жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишини ривожлантириш.....	77
<b>V БОБ. ХУЛОСА.....</b>	<b>86</b>
5.1. Тадқиқот саволига тегишли натижаларнинг қисқача ифодаси.....	86
5.2. Тадқиқот натижасида келтирилган асосий таклиф ва тавсиялар.....	89
5.3. Тадқиқот чекловлари ва келгуси тадқиқотлар учун таклифлар.....	90
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>92</b>

## I. КИРИШ

Ҳозирги шароитларда банк хизматлари доираси мунтазам кенгайиб бормоқда, бозорда банк маҳсулотлари ва хизматларининг янги турлари пайдо бўлмоқда. Ушбу омил кредит ташкилотлари ўртасида ҳар битта миждо учун рақобат курашининг янада кучайишига олиб келмоқда. Банк хизматлари бозори доимо кредит ташкилотларининг ишига янги талаблар қўяди ва шу тариқа банкларни миждо улардан манфаатдор бўлган янги операцияларни ўзлаштиришга мажбур қилади. Лекин шунга қарамай, банкларнинг сиёсати йўл қўйиш мумкин бўлган рисклар даражаси ва максимал даромадлиликдан иборат бўлиши лозим.

Миждоларнинг ишончини қозониш учун тижорат банклари уларга фақат анъанавий доирадаги хизматларни тақдим этиши етарли эмас. Улар миждоларга хизмат қўрсатиш шакллари ва усулларини ўзгартириши, сервис имкониятларини кенгайтириши, комплексли банк сервисини тақдим этиши зарур. Банкнинг иш самарадорлиги ва унинг бозордаги рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан янги банк маҳсулотлари, технологиялари ёки жараёнларини жорий қилишга боғлиқ бўлади.

Ҳозирги пайтда банк хизматлари жаҳон бозорида уч хил йўналиш энг оммалашган ва тараққий этган, чунончи: 1) ахборот технологиялари ва кибернетика технологиялари ривожланиши (оқибатда ҳисоб-китоб риск ва прогноз моделларини мураккаблаштириш имконияти пайдо бўлиши, ахборот хавфсизлиги); 2) банк бизнеси юриштишнинг миждоларга йўналтирилган модели жорий қилиниш; 3) тижорат банкининг ўз бизнес жараёнларини оптималлаштириши.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози банкларнинг ривожланишни миждоларга йўналтирилган моделига ўтишга мажбур қилди: омон қолиш учун миждоларнинг эҳтиёжлари томон максимал даражада юз қаратиш ва фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида мавжуд бизнес амалиётини қайта кўриб чиқишга тўғри келди.